
13 та маҳалла раиси ташаббус билан Сочтепада рўзадорлар учун ифторлик дастурхони ёзилди

Ўзбекистон тумани Сочтепа маҳалласида Сочтепа, Бешкапа, Яккатут, Қудаш, Қудашобод, Қирқкетмон, Олмазор, Дўнгсарой, Элчи, Даштқўлпон, Даштхасан Нурли келажак ва Давлатботир маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ташаббуси билан рўзадорлар учун ифторлик дастурхони ёзилди. Унда айна маҳаллалардан 200 нафардан зиёд рўзадорлар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оила аъзолари иштирок этди.



Ифторликда иштирок этганлар юртимизга тинчлик, оилаларимизга тотувлик, рўзгоримизга барака, деҳқонларимизга мўл хосил тилаб, дуо қилишди.

Меҳр-саховат ойида бу каби ифторликлар тумандаги ҳар бир маҳаллада ташкил этилмоқда.



2023-03-30 08:30:03